

ТАЪЛИМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Умаров Раҳмат Нигматович

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари Академияси
Чегара қўшинлари тактикаси ва хизмати кафедраси бошлиғининг
ўринбосари*

Аннотация: Ушбу мақолада жамиятни ахборотлаштиришдаги илмий педагогик фаолиятнинг асосий сифатлари ҳамда таълимтарбия жараёнини самарали ташкиллаштириш методлари кўриб чиқилади.

Боғловчи сўзлар: жамият, таълим, таълим-тарбия, тизимли ёндашув, тизим, фан-техника, технология, электрон дарслик, аудио, мултимедия.

Жамиятни ахборотлаштириш - бу инсон ҳаётининг барча жабҳаларида интелектуал салоҳиятни ривожлантириш воситалари билан боғлиқ динамик жараёндир.

Бугунги кунда жамиятни ахборотлаштириш учун барча имкониятлар мавжуд бўлиб, улар давлат сиёсати даражасигача эътироф этилади ва республикамиз халқи турмуш тарзининг яхшиланиши ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилиши, иқтисоднинг ўсиши, фан-техника тараққиётининг кенг ривожи учун хизмат қилади.

Жамиятни ахборотлаштиришнинг асосларидан бири таълим тизимига замонавий ахборот технологияларни кенг жорий этишга эришишdir.

Бу жараён таълимни такомиллаштириш ва ривожлантиришни амалга ошириш мақсадида замонавий ахборот технологияларни қўллаш, унинг метод ва воситаларидан фойдаланиш, таълим-тарбия жараёнининг барча бўғинларини жадаллаштириш, мутахассисларни ахборотлашган жамият шароитида фаолият кўрсатишга тайёрлашни тақозо этади.

Таълимни компьютерлаштиришнинг амалий аҳамияти шундаки, унинг ёрдамида нафақат табиат ёки жамиятдаги, балки таълим жараёнидаги ҳодиса ва жараёнлар ҳам моделлаштирилади, бошқарилади, ўрганилади ва таҳлил қилинади. Жамиятда инсон фаолиятининг барча соҳалари компьютерлаштирилаётган ҳозирги шароитда ёш авлодни компьютер билан эркин мулоқот қилишга ўргатиш муҳим ҳисобланади. Зеро, ёшларнинг компьютердан кенг фойдалана олиши фан - техника тараққиётининг жадаллашишини таъминлайди ва шу асосида жамият ижтимоий-

XXI-ASRNING ILMIY-AMALIY TADQIQOTLARI

иқтисодий ривожланишига хизмат қилади.

Таълимни компьютерлаштириш инсоннинг ақлий ривожланишига улкан хисса қўшади, чунки, компьютер ёрдамида ўқитиш жараёнида инсон фикрлаш усул ва методлари қаторидан индукция ва дедукция, умумлаштириш, таҳлил ва синтез, таснифлаш ва тизимлаштириш, абстрактлаштириш ва ўхшатиш кабилар ўрин олади. Булар эса, ўз навбатида, мантиқий хулоса чиқариш учун фикрларни ифодалаш, асослаш ва исботлаш шу асосида мантиқий фикрлашнинг ўсишига асос бўлиб қолади. Америка Қўшма Штатлари маълумотларига кўра, компьютер техналогиларни таълимда қўллаш ўқитиш муддатини учдан бир қисмига қисқартириш имконини берар экан».

Демак, ахборотлаштириш ҳар бир ўқитувчининг ҳар томонлама етук, интеллектуал салоҳиятли бўлиши, илмий-педагогик фаолият юритишида зарурий асос экан. Шу маънода янги ахборот ва педагогик технологиялар, улар асосида таълимни ривожлантиришдаги фаол иштирокчиларни тайёрлаш педагогик тадқиқотларни компьютерлаштиришни талаб этади.

Педагогик тадқиқотларни компьютерлаштиришнинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

қаралаётган жараённи компьютерлаштиришнинг имкониятларни ва жараённи ташкил этувчи кўрсаткичлар ҳамда улар орасидаги боғланишларни таҳлил қилиш;

таълим-тарбия жараёнини компьютерлаштиришнинг шартшароитларини англаб олиш ва улардан замонавий ахборот технологияларни ишлаб чиқиш учун фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

педагогик тадқиқотларни олиб боришда ҳисоблаш техникаси воситаларидан фойдаланиб, таълимни технологиялаштиришнинг шакл ва усулларини аниқлаш;

педагогик тадқиқотнинг предмети ва унинг компьютерлаштирилган вариантининг режасини ишлаб чиқиш (тадқиқотни лойиҳалаштириш);

тадқиқотларни компьютерлаштиришга “Тизимли ёндашув” тадқиқот услугини ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш тамойилларини тайёрлаш;

тадқиқот мақсади ва предметига мос тадқиқот мазмуни, шакллари, кўринишлари (ташкилий-тузилмавий модели)ни аниқлаш ва улардаги элемент, қисм, тизим ҳамда тизимларни лойиҳалаш;

тадқиқотни олиб боришининг алгоритмик тизимини ишлаб чиқиш ва шу асосда тадқиқот ишларини олиб бориш;

тадқиқотни компьютерлаштиришнинг ахборотли-бошқарув тизимини яратиш;

педагогик тадқиқотларнинг педагогик дастур воситалари билан узвий

XXI-ASRNING ILMIY-AMALIY TADQIQOTLARI

боғлиқлигига эътибор кучайтириш;

тадқиқот самарадорлигини кафолатлаш мақсадида педагогик дастур воситаларига қўйиладиган талабларда дидактик, психофизиологик ва техник талабларга алоҳида эътибор бериш;

компьютерлаштирилган педагогик тадқиқот олиб борища тадқиқотчининг илмий салоҳияти юқори ўрин тутади. Таълим оловчи таълим-тарбия жараёнидаги дастурли таълимда ўқув материалини компьютер экранида ўқиб ўрганади, машқлар бажаради, саволларга жавоб беради ва ҳакозо;

моделли таълим ва тадқиқотда унинг моделлаштириш жараёнини компьютерлаштириш имкониятларини ўрганиш, уларнинг тадқиқот мақсадига мослигини аниқлаш муҳим, чунки тадқиқот ишларини компьютерлаштиришга эришиш компьютерли таълим самарадорлигини кафолатлади;

тадқиқотчи муаммоли, моделли, табақалашган, дастурлашган, алгоритмик тизимга солинган ва шу каби таълим шаклларида қаралаётган муаммони танлай олиши керак. Чунки бундай таълим моделларини компьютерлаштириш имкониятларини ўрганиш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади;

дастурий-услубий таъминотни тадқиқот манбаи ва мақсадини ҳисобга олган ҳолда тайёрлаш керак ва бунда уларнинг кетма-кетлигини аниқлаш ва ҳар бир босқичда бажариладиган ишлар мазмунини режалаштириш тадқиқотни компьютерлаштириш жараёнини жадаллаштириш имконини беради;

педагогик тадқиқот олиб борища компьютернинг дастурий-услубий таъминотида дастурлаш тиллари, амалий дастурлар мажмуаси борлигини ҳисобга олган ҳолда, улардан тадқиқотнинг алгоритмик тизимини жорий этишда самарали фойдаланишга эришиш керак;

педагогик тадқиқотларни компьютерлаштириш таълим-тарбия жараёнининг самарали восита усулларини яратишни кафолатлади.

Қайд этилган педагогик тадқиқотларни компьютерлаштириш босқичлари тадқиқот тури, йўналиши, манбаи, мақсади ва шу кабиларга мос равишда ўзгариб туриши мумкин. Бу босқичлар кетма-кетлигига амал қилиш олимлар, амалиётчилар, мутахассисларга ва, айниқса, педагогик йўналишдаги тадақиқотчилар учун чуқур ва кенг режа вазифасини ҳам бажаради.

Бу борада илғор педагогик ва ахборот технологияларни ишлаб чиқиш, жумладан, ўқув жараёнининг дастурий-услубий таъминоти, замонавий ўқув-ахборотли дастурларни яратиш бўйича фундаментал илмий тадқиқот ишларини олиб бориш етарли эмас.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, унинг мазмун ва ғоялари шу пайтгача етарли даражадаги илмий тадқиқотлар мавзусига айланмаганлиги фикримизнинг далилидир. Бу борада “Миллий модел” ва унинг ҳаракатда бўлишдаги кўрсаткичлари, омиллари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, узлуксиз таълим тизимининг ривожланишига сифат жиҳатдан ҳам, меъёр жиҳатдан ҳам янги босқичга тезроқ ўтишга имкон яратади.

Кўп йиллик илмий изланишлар натижаларининг кўрсатишича, мазкур соҳани ривожлантиришда устувор, долзарб йўналишларни қуидагича кетма-кетлиқда ифодалаш мумкин:

замонавий шароитларда миллий-маънавий, маданий-маърифий хусусиятлар, педагогика услублари, умумбашарий қадриятларга асосланган тарбия услугиятини ишлаб чиқиш ва уларга мос ахборотли муҳитни яратиш;

узлуксиз таълим тизими фаолиятининг илмий-назарий асосларини ва уларни такомиллаштиришнинг ахборотли таъминотини ишлаб чиқиш ва жорий этиш натижалари асосида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштиришга услубий тавсиялар тизимини ишлаб чиқиш;

узлуксиз таълим тизими босқичлари орасидаги узвийлик ва узлуксизликка оид илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш ва уларнинг ҳаёт билан интеграсиясини таъминлаш;

педагогик илмий тадқиқотлар самарадорлигини башорат қилиш методларини ишлаб чиқиш;

самарадорликни аниқлаш учун эксперт тизимлар ишлаб чиқиш ва уларнинг натижалари бўйича илмий-педагогик тадқиқотларда қўллаш ишларини амалга ошириш.

Демак, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда кетма-кетликка амал қилинса, бу соҳада ўз ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш имконияти яратилади. Бу борада кўпгина соҳа олимларининг биргалиқда фаолият кўрсатиши талаб этилади. Бунда, асосан “Педагогика”дан, “Хусусий ўқитиш методикаси”дан, информатика соҳасидан мутахассис-олимларнинг ҳамкорлиқда тадқиқотлар олиб боришлари талаб этилади.

Ўқув адабиётларининг янги нашрларини яратиш, уларни тайёрлаш борасидаги илмий-услубий, ташкилий (шу жумладан, уларни лотин алифбосига ўтказиш) ва молиявий масалаларни ҳал қилиш узлуксиз таълим тизимида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мақсадларига эришишни таъминлашга қаратилган чораларни ишлаб чиқиши талаб қиласди.

Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги нашрларини яратиш концепциясида кадрлар тайёрлаш миллий моделига

мувофиқ узлуксиз таълим тизимида ўқув адабиётлари таълим турлари учун тасдиқланган ДТС ва фанлар бўйича узвий боғланган ўқув дастурлари асосида тайёрланиши, бунда муайян фаннинг ўқув адабиётлари мазкур таълим турида ўқитиладиган бошқа фанлар билан боғлиқлиги, бошқа таълим турларида ушбу фаннинг ўқув дастурларидағи узвийликни таъминлаши ҳамда ўқув адабиётларини белгиланган тартибда ҳар томонлама экспертизадан ўтказилиши назарда тутилган.

Электрон ўқув адабиётлари билим олувчиларнинг тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларини ривожлантиришга ва чуқурлаштиришга, қўшимча маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган бўлиб, кўпроқ чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича яратилиши мақсадга мувофиқ. Узлуксиз таълим тизимида фан ва технологияларнинг ривожланиши сари мазмуни ҳам тез ўзгарувчан, чуқурлаштириб ўқитиладиган, касбий ва маҳсус фанлар бўйича кам сонли электрон ўқув адабиётлари тайёрланади.

Электрон ўқув адабиётлар билан замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерфаол усуlda тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манбалардир. Электрон дарслик ўқув жараёнида ўқув материалларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратадиган ўқув воситаси сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Электрон дарслик анъанавий дарсликка нисбатан ўқув материалларини намойиш қилиш учун кенг имкониятлар яратади. Бу тингловчиларнинг кўпроқ мустақил ишлашлари учун мўлжалланган дидактик функцияларни бажариш билан бир қаторда ўқув жараёнига қўйилган талабларга жавоб бериши керак.

Тажрибадан маълумки, инсон эшитиш аъзоларига нисбатан кўриш аъзолари ёрдамида беш маротаба кўп маълумотларни эслаб қолиш имкониятига эга. Сабаби-эшитиш аъзоларига нисбатан кўриш аъзоларидан олинаётган маълумотлар қайта кодлаштирилмай, тўғридан-тўғри хотираға ўтади ва сақланади.

Электрон дарслик ҳақида гапирилганда, уларнинг психологик, эстетик, гигиеник ва тиббий - психологик томонларини ҳам эътиборга олиш лозим. Бунинг сабаби инсон организм кўринишдаги маълумотларни қабул қилиши ўзига хос хусусиятларни талаб қиласди. Аммо шундай психологик тўсиқлар бўлиши мумкинки, тингловчилар компьютер экранидаги маълумотларни тўғридан - тўғри қабул қила олмасликлари мумкин.

Маълумотларни қабул қилишга унинг фақат мазмуни эмас, балки ўлчами, ҳарфларнинг кўриниши, ранги ва тасвирнинг ҳаракати каби

омиллар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун электрон дарслик матнни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши керак. Тингловчиларнинг маълумотларни қабул қилиши учун электрон дарсликдаги ўзига хос хусусиятлар, яъни ўчиб-ёниш, рангни ажратиб кўрсатиш, тагига чизиб қўйиш, овоз каби воситалар таъсир этиши мумкин. Шуни эсдан чиқармаслик лозимки, бундай воситаларнинг кўп бўлиши ҳам инсоннинг соғлигига таъсир кўрсатиши мумкин. Электрон дарсликни яратишда яна бир муҳим муаммо - бу фойдаланувчиларга қанча микдорда маълумот бериш мумкинлиги билан боғлиқ. Одатда инсон организми ташқаридан келаётган маълумотларга нисбатан мослашишни талаб қиласди. Шу сабабли бу соҳадаги изланишлар шуни кўрсатадики, электрон дарсликлар билан ишлашда машқ қилиш режимида ёки кўпроқ мустақил ишлаш соатларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, маълумотларни ортиқ даражада қабул қилиниши уларнинг диққатини жалб қилмайди. Бу масалаларни ҳал қилиш учун берилаётган маълумотларнинг сифатини ошириш ва электрон дарсликда бир қатор имкониятлар яратиш лозимки, улар ёрдамида кўпгина параметрларни ўзгартириш мумкин бўлсин масалан, овозни ўчириб қўйиш, пасайтириш, кўтариш, рангларни ўзгартириш ва ҳоказо.

Технологик ривожланиш асрида таълим соҳасида электрон дарсликларни яратиш ва улардан фойдаланиш йўлидаги ҳаракатлар анча фаоллашди. Шундай бўлса-да, хозир “Электрон дарсликнинг ўзи нима?”, “У босма китоблардан, ўқув адабиётларидан қандай фарқланади?” деган саволлар қўпчиликни қизиқтириши табиий. Электрон дарслик компьютер технологияларига асосланган ўқитиш тизимиdir. Босма китобдан фарқли ўлароқ, электрон дарслик анимасиялар, ҳаракатланувчи матнлар, ранглар, аудио ва видео материаллар билан тўлдирилади. Маълумки, ўқитиш жараёнида тингловчиларга китоб кўринишидаги дарсликларга илова тарзида қўшимча равишда видео ва аудио материаллар тақдим этилади. Улардан факат алоҳида-алоҳида фойдаланиш мумкин. Масалан, машқнинг шарти китобда берилса, унга доир эшитиш ва кўриш амалиёти алоҳида мосламаларда амалга оширилади, машқ эса, дафтарда бажарилади.

Электрон дарсликда бу учала амалиётни бир пайтнинг ўзида экранда бажариш имконияти мавжуд. Экранда машқ шарти билан танишган тингловчи ёки талаба қулоқчин (наушник) орқали аудио матнни эшитиб, унга мос расм ёки видеони кўради ва компьютернинг ўзида шартни бажаради. Дафтарда бажарилган машқнинг тўғри ёки хатолигини ўқитувчи текшириб, хатоларни тушунтиргани каби, электрон дарсликда ҳам машқ сўнгигида хатолар тузатилган ҳолда экранда намоён бўлади. Таҳсил

олувчининг жавоби ва тўғри жавоб биргалиқда келтирилиб, хатолари тушунтирилади. Қолаверса, электрон дарслик орқали машқ тақрор бажарилиши мумкин. Электрон дарсликдан фойдаланилганда, машқни бажаришга сарфланадиган вақт тежалади. Чунки аудиторияда оддий дарсликдан фойдаланиб битта ўқитувчи, айтайлик, ўн беш тингловчи билан ярим соатда битта машқни бажара олса, худди шу вақт ичida электрон дарсликдаги бешта машқни бажариш мумкин. Шу ўринда мазкур фикримизни исботлашга уриниб кўрсак.

Босма дарслик билан ишлаганда ўқитувчи машқ шартини ўн беш нафар тингловчига тушунтирганида ҳаммага бир хилда тушунарли бўлавермайди. Бу машқнинг тушуниб-тушунилмай бажарилишига, хатоларнинг кўпайишига олиб келади. Машқни қайта-қайта тушунтириш эса вақтнинг бой берилишига ҳамда уни аввал тушунган тингловчиларнинг зерикишига олиб келади. Машқ бажариб бўлингач, ўқитувчи тингловчиларнинг ҳар бир хатосига алоҳида тўхталиши, тушунтириши керак. Бу ўқитувчининг чарчашига, хатоси кам ёки йўқ, тингловчиларнинг зерикишига, вақт йўқотилиши ва хатолари кўп тингловчининг электрон дарслик билан ишлаганда ўн беш нафар тингловчидан ҳар бирининг ихтиёрига алоҳида компьютер, қулоқчинлар берилади. Уларнинг ҳар бири ўз иш майдонига эга бўлади. Машқ шарти тушунарсиз бўлса, тингловчи уни қайта ўқиши, эшитиши ёки иш жараёнидан келиб чиқсан холда нима қилиш кераклигини тушуниб олиши мумкин.

Бу ҳолат ўқитувчининг асабийлашмаслигига, синфда нормал руҳий ҳолатнинг сақланиши ҳамда вақтнинг тежалишига олиб келади. Ҳар бир тингловчининг топшириқни қабул қилиш ва тушуниш қобилияти ҳар хил. Шу маънода, тингловчи аудио ва видео материалдаги тушунарсиз жойни қайта кўриши, эшитиши мумкин. Бу тингловчига берилган материални максимал даражада ўзлаштириш имконини беради. Машқ сўнгида тўғри ва нотўғри жавоблар сони ҳамда тўпланган балл экранда намоён бўлади. Шу билан бирга, йўл қўйилган хатоларга изоҳлар аниқ тушунтиришлар ва ҳатто видео, аудио материалнинг ана шу хатога тегишли қисми билан келтирилади. Бу ҳолат тингловчига ўз хатосини яхши тушуниб, ўз устида ишлаш учун қўшимча имконият яратади. Агар хохласа тингловчи шу машқни тақрор ишлаши, тўплаган балини янада ошириши мумкин. Табиийки, бир машқни қайта-қайта бажариш билимни мустаҳкамлайди. Шу тариқа нисбатан қисқа вақт ичida кўп натижага эришилади. Электрон дарсликлардан ташқари таълим жараёнида босма ўқув адабиётларининг электрон версияларидан ҳам кенг фойдаланилади.

Электрон версия. Электрон дарсликдан фарқли ўларок,

анимациялар, овоз ва видеога эга эмас ҳамда фойдаланувчи билан интерфаол алоқа боғланмайди. Айтиш жоизки, айни кунда мамлакатимиз ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим тизимида умумтаълим ҳамда қасбий фанлардан уч юздан зиёд ўқув адабиётларининг электрон версиялари яратилган ҳамда таълим муассасаларида улардан кенг фойдаланилмоқда.

Дарсликларнинг электрон версиялари чет тилини ўрганувчилар учун, айниқса, қўл келади. Шундай вазиятда керакли дарсликнинг электрон версиясини, масалан, интернетдан топиш мумкин. Глобал тармоқда луғатларнинг электрон версиялари жуда оммалашган. Луғатларнинг яна шундай электрон кўриниши мавжудки, унда изланган сўзнинг таржимаси ва қайси ўринларда қўлланилиши мисоллар билан келтирилади. Қолаверса, шу сўзнинг талаффузи аудио шаклда берилади. Луғатдан фойдаланувчи қайси сўз қандай талаффуз қилинишини ўрганиши, фонетик камчиликларини тузатиши мумкин.

Аудио версия. Электрон дарсликнинг бу тури ахборотни ўқиб, кўриб эмас айнан эшлитиб яхши қабул қилиш, тушуниш, эслаб қолиш қобилиятига эга бўлган фойдаланувчилар учун мўлжалланган. Бунда дарсликлар, бадиий ва илмий адабиётларни эшлитиб ўрганиш, машқларни оғзаки бажариш мумкин.

Мултимедияли электрон дарслик. Электрон дарсликнинг ушбу кўриниши ахборотни матн, график, расм, аудио, видео, анимасия орқали етказади. Бунга оддий мисол қилиб педагоглар дарс жараёнида қўллайдиган слайдшоуларни келтириш мумкин.

Мултимедияли электрон дарсликнинг яна бир кўриниши бу - ўқитувчи томонидан ўтилаётган дарснинг видеоси, яъни видео - дарсдир. Бу усул масофавий таълим тизимининг асосий воситаси сифатида қабул қилинган.

Электрон дарслик яратиш анчагина мashaқатли иш ва у муаллифдан юқори интеллектуал салоҳият, янги ғоялар, қизиқарли материаллар топишни, компьютер дастурларидан самарали фойдалана олишни талаб қилади. Бугунги кунда мамлакатимиз таълим муассасаларида электрон дарсликларни жорий этишга кенг эътибор қаратилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент, Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни.

XXI-ASRNING ILMIY-AMALIY TADQIQOTLARI

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони.
4. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Фан ва технология», 2017.
5. Голиш, Д.М. Файзуллаева “Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш”.-Т.: “Иқтисодиёт”, 2009.
6. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования. Под ред. Э.С. Полат. Изд. центр «Академия» Москва 2002 г.
7. Закирова Ф., Мухамедханов У., Шарипов Ш., Исянов Р., Эсанбобоев Ф., Доттоев С. Электрон ўқув-методик мажмуалар ва таълим ресурсларини яратиш методикаси. Методик қўлланма.– Т.: ОЎМТВ, 2010.

ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ:

1. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги.
2. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бosh илмий-методик маркази.